

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

321 Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2804

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги 54-сон «Паспорт-виза режимига риоя қилиш тартиби мустаҳкамланганлиги ва уй-жой фондидан фойдаланиш тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 20 майдаги 74-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2366, 2012 йил 21 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 21-сон, 237-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. АХМЕДБАЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 16 май,
79-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2016 йил
16 майдаги 79-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва
Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш
тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

1-боб Умумий қоидалар

1. Фуқароларни турган жойи бўйича ҳисобга олиш (бундан буён матнда ҳисобга олиш деб юритилади) ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, шунингдек аҳоли миграциясини ҳисобга олиш мақсадида фуқаронинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудининг муайян жойида яшаши ёки вақтинчалик бўлиши фактини аниқлашни назарда тутади.

2. Фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга олиш фуқарони доимий яшаш жойидан пропискадан чиқармасдан беш кундан олти ойгача муддатга (ўқиш учун таълим муассасасига келган шахслар учун — ўқиш даврига) амалга оширилади ҳамда бу Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турар жой сотиб олиш, шунингдек доимий ишга ва ижтимоий кафолатларга эга бўлиш учун асос ҳисобланмайди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига беш кундан ортиқ бўлмаган муддатга келган фуқаролар ҳисобга олинмайди.

Ҳисобга қўйилган фуқаро ҳисобга олиш муддатидан ортиқ бўлмаган даврда вақтинча ишга эга бўлиш ҳуқуқига эгадир.

3. Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидаги меҳмонхоналарга, даволаш муассасаларига, санаторийларга, дам олиш уйлари ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга келган фуқароларни ҳисобга олиш ушбу муассасаларнинг маъмурияти томонидан, улар келганларидан кейин уларнинг бу ерда бўлиш муддатидан ва келишининг даврийлигидан қатъи назар, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

2-боб. Фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олишни расмийлаштириш

4. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган фуқаролар келган кундан бошлаб беш кун муддатда ўзи вақтинча турган жойдаги туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасининг (бўлимининг) (бундан буён матнда ТШИИБ деб юритилади) хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (бўлинмасига) (бундан буён матнда ХЧКваФРБ деб юритилади) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ариза;

паспорт;

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, кораблар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

16 ёшга тўлмаган шахслар учун — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва 35 x 45 мм ўлчамли иккита фотосурат;

мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ шаклда уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги);

турар жой учун ҳужжатларнинг нусхалари;

ҳисобга олинганлик учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция (қариялар ва ногиронларнинг интернат-уйларида яшовчи қариялар ва ногиронлар, шунингдек мактаб-интернатлар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг тўлиқ давлат таъминотида бўлган ва ётоқхоналарда яшовчи ўқувчиларидан ташқари);

турар жойнинг ёхуд унинг бир қисмининг ижара шартномасининг ёки турар жойдан ёхуд унинг бир қисмидан текин фойдаланиш шартномасининг нотариал тасдиқланган нусхаси.

Агар вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун мурожаат қилган фуқаро турар жой мулкдорининг (мулкдорларининг) яқин қариндоши (ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари) бўлса, турар жой ёхуд унинг бир қисмидан текин фойдаланиш шартномасининг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиш талаб қилинмайди. Ушбу ҳолатда вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун мурожаат қилган фуқаронинг ва турар жой ёхуд унинг бир қисми мулкдорининг (мулкдорларининг) қариндошлик даражасини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилади.

Агар яқин қариндошлар ўртасида уй-жойни текин фойдаланишга бериш нотариал тартибда тасдиқланган шартнома асосида амалга оширилган бўлса, вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун ушбу шартноманинг нусхаси тақдим этилиши мумкин. Бунда уларнинг яқин қариндошлик даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари талаб этилмайди.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган фуқарога те-

гишли турар жой майдонига вақтинча ҳисобга олиш учун унинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ нотариал тартибда тасдиқланган розилиги талаб этилади.

6. Фуқаро «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенцияга (1993 йил 22 январь, Минск) аъзо давлатлар ҳудудида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси билан расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама халқаро шартнома тузилган давлатлар ҳудудида бўлган тақдирда, унинг розилиги тегишли давлат қонунчилигига мувофиқ тасдиқланиши мумкин.

Фуқаро Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) аъзо давлат ҳудудида бўлганда, унинг розилиги ушбу Конвенция талабларига мувофиқ апостиль белгиси орқали тасдиқланиши мумкин.

7. Мазкур Йўриқноманинг 4-бандида кўрсатилган тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан кейин ТШИИБ ХЧҚваФРБ инспектори фуқаронинг аризасини мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китобида рўйхатдан ўтказди, уларни ўрганиб чиқади ҳамда шу куннинг ўзида фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатга асосан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тўғрисидаги қайд варағини (бундан буён матнда қайд варағи деб юритилади) беради.

Қайд варағи фуқаронинг турган жойида ҳисобга олинганлигини тасдиқлайдиган, қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт ёки ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёхуд туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган шахслар учун) кўрсатилган тақдирда унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

8. Қайд варағи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида ягона намуна бўйича тайёрланади. Қайд варағидаги маълумотлар ТШИИБ ХЧҚваФРБнинг гербли муҳри билан тасдиқланади.

ТШИИБ ХЧҚваФРБ инспектори қайд варағини расмийлаштириб беришда фуқарога қайта ҳисобга олиш тартибини ва ариза топшириш муддатини тушунтиради.

9. 16 ёшга тўлмаган шахсни ҳисобга олишни расмийлаштиришда унинг шахсини тасдиқлаганлик учун жавобгарлик турар жой майдони берган турар жой мулкдори (мулкдорлари) зиммасига юкланади.

10. Ариза берувчининг паспортига ва турар жойнинг уй дафтарига (прописка карточкасига) ҳисобга олиш тўғрисида белги қўйилмайди.

11. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча ҳисобга олинган фуқаро ҳисобга олинган жойида яшаши керак.

12. ТШИИБ ХЧҚваФРБ инспектори фуқарога қайд варағи беришдан аввал унинг кидирувда эмаслигини аниқлаш учун Ўзбекистон Республика-

си Ички ишлар вазирлиги (бундан буён матнларда ИИВ деб юритилади) ХЧКваФРБ «Паспорт-виза» автоматлаштирилган ахборот тизимига фуқаро ҳақидаги маълумотларни киритиб, уларни тизим орқали автоматик тарзда ИИВ Ахборот марказининг маълумотлар базасидан текширади.

Текширув натижаси юзасидан фуқаро қидирувда бўлганлиги ҳолати аниқланган тақдирда ИИВ Ахборот маркази ушбу ҳолат бўйича ИИВ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси ва ИИВ ХЧКваФРБга хабар беради.

13. Таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган фуқаролар ўқиш даврига (таълим давомийлигини назарда тутувчи муддатга) ҳисобга олинади. Бунда таълим муассасаси томонидан фуқаронинг ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидан нусха (16 ёшга тўлмаган шахслар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, 35 x 45 мм ўлчамли иккита фотосурат) ва таълим муассасаси томонидан турар жой билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотнома ҳудудий ТШИИБ ХЧКваФРБга тақдим этилади. Агар фуқаро олий таълим муассасасига қабул қилинган бўлса, юқорида кўрсатилган ҳужжатлар билан бирга ҳисобга олиш учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция ҳам юборилади.

14. Фуқаро таълим муассасасининг турар жойидан бошқа турар жойда яшаш истагини билдирганда, таълим муассасасининг алоқа хати ва мазкур Йўриқноманинг 4-бандида кўрсатилган тегишли ҳужжатлар асосида фуқаро танлаган жойидаги ТШИИБ ХЧКваФРБ томонидан ҳисобга олинади.

15. Ўқиш Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқарида жойлашган бошқа таълим муассасасига кўчирилган, фуқаро академик таътил олган ёки таълим муассасасидан ўқишдан четлаштирилган тақдирда ушбу муассасалар раҳбарияти тегишли қарор қабул қилинган кунда бу ҳақда фуқарони вақтинча турган жойида ҳисобга олишни расмийлаштирган ТШИИБ ХЧКваФРБни хабардор қилади.

16. Таълим муассасаси раҳбариятининг билдиришномаси асосида ТШИИБ ХЧКваФРБ ҳисобга олишни бекор қилади ва қайд варағи олиб қўйилишини таъминлайди.

ТШИИБ ХЧКваФРБда Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китобининг «изоҳ» устунига фуқаронинг ҳисобга олинганлиги бекор қилинганлиги тўғрисида тегишли ёзув киритилиб, бир кунлик муддат ичида Тошкент шаҳар ИИББ Манзил-маълумотлар бюросига мазкур Йўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ хабарнома юборилади.

17. Қайд варағи йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда фуқаро ҳисобга олинган ТШИИБ ХЧКваФРБга шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни тақдим этган ҳолда қайд варағи йўқолиши ёки яроқсиз ҳолга келиши сабабларини кўрсатиб, қайд варағининг дубликатини расмийлаштириб бериш тўғрисида мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда ариза билан мурожаат қилади.

18. ТШИИБ ХЧКваФРБ инспектори фуқаронинг қайд варағи йўқолган

ёки яроқсиз холга келганлиги юзасидан ёзган аризасини қабул қилиб, аризада кўрсатилган манзилда ушбу фуқаронинг ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигини текширади.

Фуқаронинг аризада кўрсатилган турар жойда ҳисобга олинганлиги тасдиқланган тақдирда ариза берувчига ўша куннинг ўзида қайд варағининг дубликати расмийлаштириб берилади ва Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китобининг «изоҳ» устунига «дубликат» деб қизил рангда ёзиб қўйилади.

19. Фуқаро ҳисобга олинган муддат давомида ҳисобга олинган турар жойдан бошқа манзилдаги турар жойга яшашга ўтса, янги турар жойи бўйича ТШИИБ ХЧҚваФРБга мазкур Йўриқноманинг 4-бандида кўрсатилган ҳужжатлар (иккинчи ва саккизинчи хатбошида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари), мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига мувофиқ шаклда ариза, шунингдек аввалги турар жойи бўйича ҳисобга олинганлигини тасдиқловчи қайд варағини тақдим этади.

20. ТШИИБ ХЧҚваФРБ инспектори тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиб, бу ҳақда Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китобига тегишли ёзув киритади.

21. ТШИИБ ХЧҚваФРБ инспектори шу куннинг ўзида қайд варағида кўрсатилган муддатга янги қайд варағини расмийлаштириб беради ва эски қайд варағини фуқаронинг олдинги ҳисобга олинган жойи бўйича ТШИИБ ХЧҚваФРБга юборади.

Фуқаро ҳисобга олинган муддат давомида қайта ҳисобга олинганлиги тўғрисида бир кунлик муддат ичида Тошкент шаҳар ИИББ Манзил-маълумотлар бюросига хабарнома юборилади.

22. Фуқаро паспортини алмаштирганлиги ҳақида мурожаат қилса, бу ҳақда қайд варағига қўшимча ёзув киритилади ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

3-боб. Фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича қайта ҳисобга олиш

23. Охирги ҳисобга олиш расмийлаштирилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида ҳисобга олишни қайта расмийлаштириш масаласини кўриб чиқиш фуқаронинг вақтинча яшаб турган жойидаги ТШИИБ ХЧҚваФРБ томонидан амалга оширилади. Бунинг учун фуқаро қайд варағи муддати тугашидан камида ўн беш кун олдин вақтинча яшаб турган жойидаги ТШИИБ ХЧҚваФРБга мазкур Йўриқноманинг 4-бандида назарда тутилган тегишли ҳужжатлар (иккинчи хатбошисида кўрсатилган аризадан ташқари) билан бирга мазкур Йўриқноманинг 7-иловасига мувофиқ шаклда қайта ҳисобга олиш тўғрисида ариза тақдим этади.

Ариза мазкур Йўриқноманинг 8-иловасига мувофиқ шаклдаги Фуқароларнинг турган жойи бўйича қайта ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китобига кирим қилинади.

24. ТШИИБ ХЧҚваФРБ ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончилигини

текширади ҳамда ўрганиш яқунлари бўйича ўн беш кун мобайнида ҳисобга олишни қайта расмийлаштиришга рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ижобий қарор қабул қилинганда ТШИИБ ХЧКваФРБ инспектори бир сутка мобайнида ариза берувчини хабардор қилади ва белгиланган тартибда фуқарога қайд варағини такроран расмийлаштириб беради, салбий қарор қабул қилинганда эса — ушбу қарорни ариза берувчига етказди ҳамда уни ички ишлар органи томонидан белгиланган муддатда Тошкент шаҳридан ва Тошкент вилоятдан чиқиб кетиш мажбурияти тўғрисида огоҳлантиради.

Қуйидагилар:

Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида ҳисобга олиш жойи бўйича турган вақтида мунтазам равишда ҳуқуқни бузишлар содир этилиши;

шахснинг Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида бундан буён бўлиши жамоат тартиби бузилиши учун шарт-шароитлар яратиши тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги;

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги охириги ҳисобга олиш расмийлаштирилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида ҳисобга олишни қайта расмийлаштиришни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Фуқароларнинг Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида қайта ҳисобда туриши рад этилган тақдирда, ТШИИБ ХЧКваФРБ инспектори томонидан мазкур Йўриқноманинг 9-иловасига мувофиқ шаклда хулоса тузилади, ушбу хулоса ТШИИБ бошлиғи томонидан тасдиқланади, хулосада рад этишнинг аниқ асослари кўрсатилган бўлиши керак.

Ҳисобда туришни қайта расмийлаштириш рад этилиши устидан суд тартибида шикоят қилиш мумкин.

25. Турган жойи бўйича ҳисобга олиш учун асос бўлган ҳужжатлар номенклатура бўйича йиғмажилдларга тикилади ва ТШИИБ ХЧКваФРБда икки йил давомида сақланади.

4-боб. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга олинган фуқаролар тўғрисида ўзаро маълумотлар алмашиш

26. Фуқаро Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олингандан сўнг ТШИИБ ХЧКваФРБ инспектори мазкур Йўриқноманинг 10-иловасига мувофиқ шаклда икки нусхада фуқаронинг келиш варақасини тўлдиради ҳамда унинг биринчи нусхасини бир сутка мобайнида Тошкент шаҳар ИИББнинг Манзил-маълумотлар бюросига юборади. Келиш варақаларининг иккинчи нусхаси ва уларнинг рўйхати ҳафтада бир марта тегишли ТШИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлимига (бундан буён матнда ҲООБ деб юритилади) ишда фойдаланиш учун юборилади.

27. ТШИИБ ХЧКваФРБ инспектори вақтинча ҳисобга олинган фуқаро ҳақида келиш варақасидаги маълумотларни компьютер маълумотлар базасига киритгандан кейин уларни реал вақт режимида маълумотларни узатиш-

нинг идоравий тармоғи бўйича ИИБ ХЧКваФРБнинг марказий маълумотлар базасига юборди.

28. ИИБ ХЧКваФРБ ҳар ойда маълумотларни узатиш идоравий тармоғи бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга қўйилган фуқароларнинг рўйхатларини (электрон шаклда) уларнинг доимий яшаш жойи бўйича тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ва вилоятлар ИИБ ХЧКваФРБларига юборди.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ва вилоятлар ИИБ ХЧКваФРБлари фуқаронинг доимий яшаш жойидаги ТШИИБ ҲООБга фуқаронинг Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида ҳисобга олинганлиги тўғрисида маълум қилади.

29. Ҳар ой якуни бўйича турган жойи бўйича ҳисобга олинган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар кейинги ойнинг 3-санасига қадар ТШИИБ ХЧКваФРБ томонидан мазкур Йўриқноманинг 11-иловасига мувофиқ шаклда Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ ХЧКваФРБга тақдим этилади. Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ ХЧКваФРБ эса, ўз навбатида, маълумотларни жамлаб ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар ИИБ ХЧКваФРБга тақдим этади.

ТШИИБ ХЧКваФРБ берилган қайд варақлари сони тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойда ТШИИБ ҲООБга тақдим этиши шарт.

5-боб. Фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш ишлари устидан назоратни ташкил этиш

30. Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти томонидан тасдиқланган режа-топшириқ асосида уларнинг масъул ходимлари ҳар чоракда ТШИИБ ХЧКваФРБ томонидан фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча яшаб турган жойи бўйича ҳисобга олиш ишларининг ахволини ўрганиб чиқади ва ТШИИБ ХЧКваФРБ ходимлари томонидан йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилайди.

31. ИИБ раҳбарияти томонидан тасдиқланган режа-топшириқ асосида ИИБ ХЧКваФРБ масъул ходимлари бир йилда камида икки маротаба Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ ХЧКваФРБлар ва ТШИИБ ХЧКваФРБлари томонидан фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вақтинча яшаб турган жойи бўйича ҳисобга олиш ишларининг ахволини ўрганиб чиқади ва йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилайди.

6-боб. Қайд варағини тайёрлаш ва ҳисобини юритиш

32. Қайд варақлари ҳимояланган махсус бланкада «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан 120x80 мм ўлчамда тайёрла-

нади, серия (Тошкент шаҳри учун «TSh» серия, Тошкент вилояти учун «TV» серия) ва тартиб рақамига эга бўлади.

Қайд варақлари бланкалари ИИБ ХЧКваФРБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБга, Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ ХЧКваФРБ томонидан тегишли ТШИИБ ХЧКваФРБларга тарқатилади.

Қайд варақларининг ҳисоби ИИБ ХЧКваФРБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ ХЧКваФРБда мазкур Йўриқноманинг 12-иловасига мувофиқ шаклда Қайд варақлари бланкаларини кирим ва чиқим қилиш китобида юритилади.

33. Қайд варақлари бланкалари ТШИИБ ХЧКваФРБлари раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан мазкур Йўриқноманинг 13-иловасига мувофиқ шаклда юритиладиган Қайд варақлари бланкаларини кирим ва чиқим қилиш китобига қайд қилиниб, уларнинг қатъий ҳисоби юритилади ҳамда хизматда фойдаланиш учун ТШИИБ ХЧКваФРБ инспекторига тақдим этилади.

ТШИИБ ХЧКваФРБ инспекторлари хизматда фойдаланиш учун олган қайд варақларини белгиланган тартибда сақланишини таъминлайди.

7-боб. Яқуний қоидалар

34. Мазкур Йўриқнома назарда тутилган аризалар фуқаронинг ўзи, ишончли вакили, вояга етмаганлар учун қонуний вакили (ота-онаси), шунингдек фуқаронинг васийси (хомийси) томонидан берилади.

35. Мазкур Йўриқнома талабларига риоя этилишини назорат қилиш ички ишлар органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Турар жой бўлмаган биноларга фуқароларни ҳисобга олишни расмийлаштириш тақиқланади.

Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ҳудудида доимий пропискада турган фуқаро Тошкент шаҳри ёхуд Тошкент вилояти ҳудудидаги бошқа манзилда яшаган тақдирда, уни мазкур турар жойда доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида ҳисобга олинмаган фуқароларнинг яшаши учун турар жой майдони тақдим этадиган уй-жой мулкдори (мулкдорлари) турар жой майдони берилган кундан бошлаб беш кун мобайнида ушбу шахслар тўғрисида ички ишлар органларини хабардор қилиши шарт.

Меҳмонхоналар, санаторийлар, даволаниш масканлари, дам олиш уйлари, сайёҳлик базалари, кемпинглар ва шу каби муассасалар фуқаролар келган пайтдан бошлаб келиш манзил варақасини тўлдириб, уларни бир кун ичида Тошкент шаҳар ИИББнинг Манзил-маълумотлар бюросига юборади.

36. Мазкур Йўриқнома талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

37. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси,

Миллий хавфсизлик хизмати, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан келишилган.

Бош прокурор

И. АБДУЛЛАЕВ

2016 йил

*Миллий хавфсизлик
хизмати раиси*

Р. ИНОЯТОВ

2016 йил

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

А. ВАҲОБОВ

2016 йил

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2016 йил

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

(раҳбар резолюцияси, имзоси ва санаси)

туман (шаҳар) ИИБ ХЧКваФРБ
бошлиғига

**Турган жойи бўйича ҳисобга олиш тўғрисида
АРИЗА**

Фамилияси _____ Исми _____
Отасининг исми _____
Туғилган йили _____ Туғилган жойи _____
Қаердан келди _____
(минтақа номи)
Келиш мақсади _____
(ўқишга, ишга ёки бошқа сабаб кўрсатилади)

Қуйидаги манзил бўйича ҳисобга олишингизни сўрайман:
_____ туман (шаҳар), _____ кўча _____ (квартал) _____ уй, _____ корпус
_____ хонадон.

Турар жой _____ томонидан берилди.
(уй-жой мулкдори Ф.И.О. ёки уй-жой берган ташкилот номи)

Бир вақтнинг ўзида мен билан қуйидаги оила аъзоларимни ҳисобга
олишингизни сўрайман:

Қариндошлик даражаси	Ф.И.О.	Туғилган йили ва жойи	Қаердан келди

Менга қайта ҳисобга олиш тартиби ва ариза бериш муддати тушунтирилди.

_____ серияли _____ -сонли қайд варағини олдим.

Ариза берувчи ёки вакилнинг Ф.И.О. _____

Имзо _____ 20__ йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

(раҳбар резолюцияси, имзоси ва санаси)

туман (шаҳар) ИИБ ХЧКваФРБ
бошлиғига

**АРИЗА
(РОЗИЛИК)**

Фамилияси _____ Исми _____

Отасининг исми _____

Туғилган йили _____ Туғилган жойи _____

Мен _____ ўзимга тегишли бўлган/ _____
(Ф.И.О.) (Ф.И.О.)

томонидан берилган ишончномага асосан/ _____ туман (шаҳар),
_____ кўча _____ (квартал) _____ уй, _____ корпус _____ хонадонда танишим
(қариндошим) _____ /оила аъзолари билан бирга/
(Ф.И.О.)

вақтинчалик турган жойи бўйича ҳисобга олиншига розиман.

Аризага шахсимни тасдиқловчи ва уй-жой ҳужжатларининг нусхаларини
илова қиламан.

Ариза берувчи ёки вакилнинг Ф.И.О. _____

Имзо _____

20__ йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
3-ИЛОВА

26 (734)-сон

**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси/
Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси
_____ туман (шаҳар) ИИБ ХЧКваФРБ**

**Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олинishi юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш
КИТОБИ**

Бошланди: 20__ йил «__» _____
Тамом бўлди: 20__ йил «__» _____

Чап томони

Т/р	Ариза берувчи ва у билан бирга келган оила аъзоларининг Ф.И.О., туғилган санаси, шахсини тасдиқловчи ҳужжат рақами	Ариза берувчининг доимий турар жойи	Ариза қайд этилган сана	Ариза берувчи ҳисобга олинган турар жой

Ўнг томони

Турар жой берган мулкдорнинг доимий яшаш манзили	Қайд варағининг рақами, берилган санаси ва муддати	Ҳисобга олинган шахснинг келиш варақаси Манзил-маълумотнома бюросига юборилган сана	Ҳисобдан чиқарилган сана	Изоҳ

— 23 —

321-модда

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2016 й.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
4-ИЛОВА

Тошкент шаҳар
Ички ишлар бош бошқармаси
Манзил-маълумотнома бюросига

ХАБАРНОМА

1. Фуқаро _____
(Ф.И.О.)
2. Туғилган санаси ____ йил «__» _____
3. Туғилган жойи _____
4. Ҳисобга олинган манзил _____
5. Паспорт серияси ____ рақами _____, _____ туман (шаҳар)
ички ишлар бошқармаси (бўлими) томонидан ____ йил _____ да берилган.
6. Ҳисобга олинган муддат _____
7. Муддатидан олдин ҳисобдан чиқарилишининг сабаби _____
8. Ҳисобга олинган муддат давомида қайта ҳисобга олинганлиги тўғрисида
маълумот _____

Туман (шаҳар) ИИБ ХЧКваФРБ (катта) инспектори

(Ф.И.О., унвони)

(имзо)

20__ йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
5-ИЛОВА

(раҳбар резолюцияси, имзоси ва санаси)

туман (шаҳар) ИИБ ХЧКваФРБ
бошлиғига

АРИЗА

Фамилияси _____ Исми _____

Отасининг исми _____

Туғилган йили _____ Туғилган жойи _____

Мен (оила аъзоларим билан бирга), 20__ йил «__» _____ дан
ҳозирги кунга қадар танишим (қариндошим) _____ нинг
қуйидаги манзилдаги: _____ туман (шаҳар), _____ кўча __ (квартал)
__ уй, __ корпус __ хонадон бўйича ҳисобга олинган эдим.

Менга (оила аъзоларимга) юқорида кўрсатилган манзил бўйича қайд варағи
берилган эди. Ушбу қайд варағини йўқотиб қўйганлигим (яроқсиз ҳолга
келганли) сабабли, менга (қуйидаги вояга етмаган фарзандларимга) қайд
варағининг дубликатини расмийлаштириб беришингизни сўрайман.

Қариндошлик даражаси	Ф.И.О.	Туғилган йили ва жойи	Қаердан келди

Ариза берувчи ёки вакилнинг Ф.И.О. _____

Имзо _____

20__ йил «__» _____

_____ серияли _____ -сонли қайд варағини олдим.

Имзо _____

20__ йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
6-ИЛОВА

(раҳбар резолюцияси, имзоси ва санаси)

туман (шаҳар) ИИБ ХЧКваФРБ
бошлиғига

АРИЗА

Фамилияси _____ Исми _____

Отасининг исми _____

Туғилган йили _____ Туғилган жойи _____

Мен (оила аъзоларим билан бирга), 20__ йил «__» _____ дан
ҳозирги кунга қадар танишим (қариндошим) _____ нинг
қуйидаги манзилдаги: _____ туман (шаҳар), _____ кўча _____ (квартал)
_____ уй, _____ корпус _____ хонадон бўйича ҳисобга олинган эдим.

Менга (оила аъзоларимга) юқорида кўрсатилган манзил бўйича қайд варағи
берилган эди. Ҳозирги кунда мен (оила аъзоларим билан бирга) қуйидаги
манзилга: _____ туман (шаҳар), _____ кўча _____ (квартал)
_____ уй, _____ корпус _____ хонадонга яшаш учун ўтганлигим сабабли, мени
(қуйидаги оила аъзоларим билан бирга) мазкур манзил бўйича ҳисобга
олишингизни сўрайман.

Қариндошлик даражаси	Ф.И.О.	Туғилган йили ва жойи	Қаердан келди

Ариза берувчи ёки вакилнинг Ф.И.О. _____

Имзо _____ 20__ йил «__» _____

_____ серияли _____-сонли қайд варағини олдим.

Имзо _____ 20__ йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
7-ИЛОВА

(раҳбар резолюцияси, имзоси ва санаси)

туман (шаҳар) ИИБ ХЧКваФРБ
бошлиғига

**Турган жойи бўйича қайта ҳисобга олиш тўғрисида
АРИЗА**

Фамилияси _____ Исми _____
Отасининг исми _____
Туғилган йили _____ Туғилган жойи _____
Қаердан келди _____
(минтақа номи)
Келиш мақсади _____
(ўқишга, ишга ёки бошқа сабаб кўрсатилади)

Қуйидаги манзил бўйича қайта ҳисобга олишингизни сўрайман:
_____ туман (шаҳар), _____ кўча _____ (квартал) _____ уй,
_____ корпус _____ хонадон.

Турар жой _____ томонидан берилди.
(уй-жой мулкдори Ф.И.О. ёки уй-жой берган ташкилот номи)

Бир вақтнинг ўзида мен билан қуйидаги оила аъзоларимни қайта ҳисобга
олишингизни сўрайман:

Қариндошлик даражаси	Ф.И.О.	Туғилган йили ва жойи	Қаердан келди

Менга қайта ҳисобга олиш тартиби ва ариза бериш муддати тушунтирилди.
_____ серияли _____-сонли қайд варағини олдим.

Ариза берувчи ёки вакилнинг Ф.И.О. _____

Имзо _____

20__ йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
8-ИЛОВА

821-Молда

**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси/
Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси
_____ туман (шаҳар) ИИБ ХЧКваФРБ**

**Фуқароларнинг турган жойи бўйича қайта ҳисобга олинishi юзасидан
ёзган аризаларини қайд этиш
КИТОБИ**

Бошланди: 20__ йил «__» _____
Тамом бўлди: 20__ йил «__» _____

Чап томони

Т/р	Ариза берувчи ва у билан бирга келган оила аъзоларининг Ф.И.О., туғилган санаси, шахсини тасдиқловчи ҳужжат рақами	Муддати тугаётган қайд варақасини берган ИИБ ХЧКваФРБ номи ва рақами	Ариза берувчининг доимий турар жойи	Ариза қайд этилган сана	Ариза берувчи ҳисобга олинган турар жой

Ўнг томони

Турар жой берган мулкдорнинг доимий яшаш манзили	Қайд варағининг рақами, берилган санаси ва муддати	Ҳисобга олинган шахснинг келиш варақаси Манзил-маълумотнома бюросига юборилган сана	Ҳисобдан чиқарилган сана	Изоҳ

— 28 —

26 (734) -сон

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
9-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

_____ туман (шаҳар)

ИИБ ХЧКваФРБ бошлиғи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О. унвони)

20__ йил «__» _____

Фуқаро _____ ни
(Ф.И.О.)

ҳисобга олишни рад этиш ҳақида

ХУЛОСА

Мен, туман (шаҳар) ИИБ ХЧКваФРБ (катта) инспектори _____

_____ (Ф.И.О. унвони)

_____ йилда туғилган фуқаро _____ нинг ҳисобга олиш
(Ф.И.О. унвони)

юзасидан ёзган аризаси бўйича тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб
қуйидагиларни аниқладим:

_____ (мазмун иёзилади)

Юқоридагиларни инобатга олиб, хулоса қилдим:

Фуқаро _____ ни _____ муддатга қайта ҳисобга
(Ф.И.О.)

олиш рад этилсин.

Қабул қилинган хулоса фуқарога таништирилсин.

Туман (шаҳар) ИИБ ХЧКваФРБ

(катта) инспектори _____

_____ (Ф.И.О., унвони)

_____ (имзо)

20__ йил «__» _____

«РОЗИМАН»

Туман (шаҳар) ИИБ ХЧКваФРБ

бошлиғи ўринбосари _____

_____ (Ф.И.О., унвони)

_____ (имзо)

20__ йил «__» _____

Хулоса билан танишдим _____

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
10-ИЛОВА

Келиш варақаси

1. Фамилияси _____
2. Исми _____
3. Отасининг исми _____
4. Туғилган санаси: ____ йил « ____ » _____
5. Туғилган жойи | вилоят (республика, шаҳар) _____
| туман (шаҳар) _____
| қишлоқ (овул, шаҳарча) _____
6. Жинси _____ 7. Миллати _____
(эркак, аёл)
8. Ҳисобга оли- | вилоят (республика, шаҳар) _____
наётган | туман (шаҳар) _____
манзил | қишлоқ (овул, шаҳарча) _____
| маҳалла _____ кўча _____
| уй _____ бино _____ хонадон _____
(ҳисобга олишни расмийлаштирган ИИБ ХЧКваФРЪ)
9. Қачон | 20 ____ йил « ____ » _____
қаердан | вилоят (республика, шаҳар) _____
келди | туман (шаҳар) _____
| қишлоқ (овул, шаҳарча) _____

Орқа томони

10. Келишдан мақсади ва муддати _____
(ўқишга, ишга ёки бошқа сабаб кўрсатилади)
11. Қаерда ва қайси лавозимда ишлайди _____
(агар ишламаётган бўлса: нафақада, ўқувчи, бировнинг)
(қарамоғида эканлиги кўрсатилсин)
12. Паспорт серияси _____ рақами _____
(қачон, қайси ички ишлар органи томонидан берилган, амал қилиш муддати)
- 20 ____ йил « ____ » _____

13. Фуқаро билан бирга 16 ёшга тўлмаган куйидаги фарзандлари ҳам келган:

Ф.И.О.	Жинси	Тугилган санаси

Эслатма: Фарзандлар ота-оналаридан фақат биттасининг келиш варақасига ёзилади.

14. Варақа 20__ йил «__» _____ да тўлдирилди.

Ҳисобга олган масъул ходим Ф.И.О. _____

15. Маълумотларни текширдим ва ҳисобга олишни расмийлаштирдим:

20__ йил «__» _____.

(имзо)

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
11-ИЛОВА

**20__ йилнинг __о__ ойи мобайнида Тошкент шаҳри/Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олинган Ўзбекистон Республикаси
фуқаролари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Минтақалар	Жами	Тошкент шаҳри/Тошкент вилояти туман (шаҳар)лари					
1.	Қорақалпоғистон Республикаси							
2.	Андижон							
3.	Бухоро							
4.	Жиззах							
5.	Навоий							
6.	Наманган							
7.	Самарқанд							
8.	Сирдарё							
9.	Сурхондарё							
10.	Фарғона							
11.	Хоразм							
12.	Қашқадарё							
13.	Тошкент вил.							
14.	Тошкент ш.							
	Жами							
Ҳисобга олинган муддат								
1.	1 ойгача							
2.	3 ойгача							
3.	6 ойгача							
4.	Ўқиш даврига							
	Жами							
Ҳисобга олинган фуқароларнинг ёши								
1.	16 ёшгача							
2.	16 дан 30 ёшгача							
3.	30 дан 40 ёшгача							
4.	40 дан 50 ёшгача							
5.	50 дан 60 ёшгача							
6.	60 ёшдан юқори							
	Жами							
Ҳисобга олинган фуқароларнинг келишдан мақсади								
1.	Ишлашга							
2.	Ўқишга							
3.	Меҳмонга							
4.	Даволанишга							
5.	Бошқа сабабларга кўра							
	Жами							

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
12-ИЛОВА

26 (734)-сон

Қайд варақлари бланкаларини кирим ва чиқим қилиш
КИТОБИ

1-бўлим. Кирим.

Т/р	Кирим қилинган ҳужжатнинг рақами ва санаси	Кимдан келиб тушди	Сони	Серияси	Рақамлари .. дан .. гача	Эслатма

2-бўлим. Чиқим.

Т/р	Чиқим қилинган ҳужжатнинг рақами ва санаси	Олиб кетган ички ишлар органи номи	Сони	Серияси	Рақамлари .. дан .. гача	Эслатма

Изоҳ: мазкур китоб ИИВ ХЧКваФРБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ ХЧКваФРБда юритилади.

— 33 —

321-модда

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
13-ИЛОВА

821-модда

**Қайд варақлари бланкаларини кирим ва чиқим қилиш
КИТОБИ**

1-бўлим. Кирим.

Т/р	Кирим қилинган ҳужжат рақами ва санаси	Кимдан келиб тушди	Сони	Серияси	Рақамлари .. дан .. гача	Эслатма

2-бўлим. Чиқим.

Т/р	Чиқим қилинган ҳужжат рақами ва санаси	Қайд варақлари бланкаларини олган ХЧКваФРБ (катта) инспектори Ф.И.О., унвони	Сони	Серияси	Рақамлари .. дан .. гача	Қайд варақлари бланкаларини олган ходим имзоси	Эслатма

Изоҳ: мазкур китоб туман (шаҳар) ИИБ ХЧКваФРБда юритилади.

— 34 —

26 (734)-сон